

Фарзанди вафот қилган кишининг мукофоти ҳақида



07:00 / 13.02.2019 5955

Муслим Абу Ҳассондан ривоят қилади: "Мен Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга икки ўғлим вафот қилганини айтиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан у иккови туфайли нафсимизни шодлантирадиган ҳадисни сўйлаб беришини сўрадим. У зот: "Уларнинг кичиклари жаннатнинг даомисларидир (даомис – сувда юрадиган кичик ҳайвон), улардан бири отасини ёки ота-онасини кутиб олади ва кийимидан ёки қўлидан, мен сенинг мана бу кийимингдан ушлаганим каби ушлайди, сўнг Аллоҳ уни ва ота-онасини жаннатга киргизади", дедилар".

Абу Довуд Таёлисий Шуъба Муовия ибн Куррадан, у отасидан ривоят қилади: "Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига ансорлардан бир киши ўғли билан тез-тез келиб турар эди. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишидан: "Ўғлингни яхши кўрасанми?" деб сўрадилар. У: "Ҳа", деб жавоб берди. "Сен уни яхши кўргандек, Аллоҳ сени яхши кўрсин", дедилар шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. Сўнг у киши бир муддат кўринмай қолди. Уни суриштирган эдилар, ўғилчиси вафот қилганини айтишди. (У келгач) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Жаннат эшикларидан бирига етганингда, у югуриб келиб, эшикни сенга очишига рози бўлмайсанми?!" дедилар. Атрофдагилар: "Эй Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам, бу фақат унга тегишлими ёки ҳаммамизгами?", деб сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ҳаммаларингизга", дедилар".

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Нифослик аёлларнинг (яъни, янги туққан аёлнинг ҳали нифосдан покланмай туриб вафот этган) **боласи қиёмат куни уларни шодлик билан жаннатга етаклайди"** (*Абу Довуд ривояти*).

Бу ҳадис мўминлар болалари жаннатда эканига далолат қилади. Илм аҳлидан кўпчиликнинг сўзи ҳам шу, Аллоҳ таолонинг ушбу: **"Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари ҳам уларга иймон билан эргашган зотларга** (ўша) **зурриётларини қўшдик"** (*Ват-тур, 21*), оятининг зоҳири ҳам шу маънони тақозо қилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

"Кимнинг балоғатга етмаган уч фарзанди вафот қилса, унга дўзахдан тўсиқ бўлишади ва у жаннатга киритилади" (*Бухорий ривояти*).

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Ким эсини танимаган боласидан учтасини бериб қўйса, улар ота-онаси учун дўзахдан мустаҳкам қўрғон бўладилар". Абу Зар шунда: **"Иккита боласи ўлган бўлса-чи?"** деб сўради. У зот: **"Иккита бўлса ҳам",** дедилар. Сўнг қориларнинг саййиди Убай ибн Каъб: **"Битта бўлса-чи?"** деди. **"Битта бўлса ҳам. Лекин дастлабки лаҳзадаёқ сабр қилган бўлса",** дедилар (*Термизий, Ибн Можа ривояти*).

Бу ҳадисларнинг ҳаммасида мусулмонларнинг гўдаклари жаннатда бўлишига далил бор. Чунки болалар раҳмат қилинганлари туфайли оталари ҳам раҳмат қилиняпти. Болалар раҳмат қилинмаган бўлса, оталарига шафоатчи қилиниши мумкин бўлмаган ишдир.

Имом Қуртубийнинг «Тазкира»сидан